O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: info@xs.uz • 2005 йил 9 апрель, № 68 (3613) Шанба

**Ислом КАРИМОВ:**

*Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса Амир Темур сиймосини эслаши керак.*

# Ватан ва миллат ТИМСОЛИ

*(Тўртинчи ҳикоя)*

Ўзбекистон истиқлолни қўлга киритгандан кейин мустақил давлатга хос барча мақомларга эга бўлди. Ой-юлдузли байроғимиз, Ҳумо рамзи акс этган давлат гербимиз, миллий валютамиз, мадҳиямиз, Конституциямиз бор. Яна бир ютуғимиз — ўзликни англашдек олий қадриятимиз кўнгиллардан жой олди. Мустақиллигимиз меъмори Президент Ислом Каримов истиқлолнинг илк кунларидан бошлаб азалий қадриятларимиз халқ мулкига айланиши учун ҳормай-толмай курашмоқда.

Зотан, ўзлигини англамаган халқ чин ҳурриятнинг қадрига етмайди. Буюк давлат қуришга бел боғлаган мамлакат, аввало, буюк ўтмишдан озиқланиши керак. Табиатнинг қонуни шундай: чинорнинг баравж гуркираши учун томирлар теран бўлиши лозим.

Бир қарашда, миллий қадрият тушунчаси инсон ақл-заковати, онгу тафаккур билан чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун аниқ моддий кўринишда ифодаланмайди, деб ўйлаймиз. Аслида, истиқлолимиз рамзига айланган ҳар бир иншоотда ўз қадриятимиз мужассам. Ватанимизнинг кўркам хиёбонларида қад ростлаган улуғвор ҳайкаллар, миллатимиз қудратини акс эттирувчи бинолардаги битта ғишт ҳам буюк ўтмишимизни, бугунги садоқатимизни, эртанги келажагимизни намойиш этиб турибди.

Ўзлигимизни англаш учун миллатнинг ғурур ва ифтихор рамзига айланган асл қадриятларидан бири Амир Темур даҳосидир. Ўз даврида Турон мулкининг салтанати соҳибига айланган бу зот қудратли давлат тузиб, миллатни бирлаштириш борасида тарихий миссияни адо этган.

Бугунги суҳбатимизда Амир Темур яратган хазинага, буюк меросга турфа қарашларнинг нигоҳи орқали баҳо бермоқчимиз. Шундай қилсак, тарихнинг муҳим мезони — холислик, адолат дастуримиз бўлиб қолади.

(Давоми. 2-бетда).

## Бунёдкорлик солномаси



# Бугун соҳибқирон Амир Темур таваллудига 669 йил тўлди

**Ўтган йили Қашқадарё вилоятида 61 паст рентабелли ширкат хўжалиги тугатилиб, уларнинг негизида юзлаб фермер хўжаликлари ташкил этилган эди. Бу йил эса ана шундай ширкат хўжаликларидан яна 34 тасининг ери фермерларга бўлиб берилди.**

*Фермерлик:*

# ЕР ЭГАСИНИ ТОПГАНДА

Асл деҳқон ернинг тилини билади, нафасини сезади, дейишади. Ер ва деҳқон ўртасидаги бундай яқинлик зироатчилик ривожининг доим бош омили бўлиб келган. Аммо шўролар даврида ердан фойдаланиш борасидаги қадимий анъаналаримиз ўрнини маъмурий буйруқбозлик тартиби эгаллаган эди. Деҳқонга зироатчиликни "юқори"дан ўргатиш одатга айланди. Оқибатда унинг ерга бўлган меҳри сўнди. Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин қишлоқ хўжалиги ривожига ғов бўлаётган бундай тўсиқлар олиб ташланди. Соҳага оид қабул қилинган қатор фармон, қонун ва қарорларда асосий эътибор деҳқон қаддини ва қадрини тиклашга, унинг ҳуқуқларини кафолатлаш, ерга - мулкка эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилди. Бунда Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан бошланган иқтисодий ислоҳотлар муҳим омил бўлди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самараларни Қашқадарё вилоятининг Миришкор тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Туман ҳокими Ҳалил Соатовнинг айтишича, ночор ширкат хўжаликларининг тугатилиб, уларнинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилиши қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ҳажмининг кескин ошишига сабаб бўлган.

Хусусан, С.Муродов номидаги ва "Тошкент" ширкат хўжаликлари тугатилиб, ер фермерлар ихтиёрига берилгач, самараси биринчи йилнинг ўзидаёқ кўзга ташланган. Пахта ва ғалла ҳосилдорлиги кескин ошган. Рентабеллик даражаси 48 фоизга кўтарилган.

— Фермерларнинг туман ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши тобора ортиб бораяпти, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Ғайбулла Қорабоев. — 2003 йилгача бу кўрсаткич 35-40 фоизни ташкил этган бўлса, 2004 йилда 80 фоизга етди. Ҳосилнинг асосий қисми фермер хўжаликлари томонидан етиштирилгани учун ҳам рентабеллик даражаси юқори. Чунки фермерлар кам харажат қилиб, кўп ва сифатли маҳсулот етиштиришдан манфаатдор.

Вилоятда кейинги беш йилда 153 ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантирилди. Фермерлар сони 15 минг нафардан ошди. Уларга ажратилган ер майдони эса бугун тўрт юз минг гектардан зиёд. Фермер хўжаликлари ташкил этилиши муносабати билан юз мингдан кўпроқ иш ўринлари пайдо бўлди. Энг асосийси, ердан самарали фойдаланиш, тупроқ унумдорлиги ва экинлар ҳосилдорлигини оширишга эришилди. Биргина пахтачиликнинг ўзида ўтган йили ҳосилдорлик 2003 йилдагига нисбатан ҳар гектар ер ҳисобига 6,1 центнерга кўтарилди. Бу борада Касби, Китоб, Қарши, Қамаши туманларида юқори натижалар қўлга киритилмоқда.

Ўтган йили вилоятда етиштирилган пахтанинг 70,4 фоизи, ғалланинг 73,3 фоизи фермерлар ҳиссасига тўғри келди. Шунга яраша даромад ошаяпти. Фермерлар ўз даромади ҳисобидан сотиб олаётган техника воситалари сони 2004 йилда икки баробарга кўпайди. Бошқача айтганда ер ҳақиқий эгасини, деҳқон эса ўз ерини топмоқда.

**Аҳад МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

*Франциянинг Вернон шаҳрида Буюк Ипак йўлига бағишлаб ўтказилган китоб салонида Ўзбекистон ҳақида ҳикоя қилувчи асарлар экспозициянинг салмоқли қисмини ташкил қилди.*

## Ўзбек китоблари Вернонда

— Мазкур кўргазма французларнинг мамлакатингизга, унинг қадимий тарихи, маданияти ва анъаналарига бўлган қизиқишидан далолат беради, — дейди кўргазма ташкилий қўмитаси раиси Вернон шаҳри мэрининг ўринбосари Клод Пишон. — Биз Ўзбекистонга катта самимият билан қараймиз, французларни нафақат мамлакатингиз тарихи, балки унинг бугунги куни ҳам қизиқтиради.

Кўргазма доирасида "Амир Темур ва Европа" мавзуида илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан Темурийлар тарихини ўрганиш ассоциацияси президенти Люсьен Керен, "Европаликлар Ўзбекистон тарихини, айниқса, Амир Темурнинг Европа мамлакатлари ҳукмдорлари билан алоқалар ўрнатган даврини яхши билиши зарур. Буюк саркарда ўша пайтдаёқ Европанинг бирлашишини башорат қилган эди", деб таъкидлади.

— Мен Ўзбекистонни яхши кўраман, — дейди Ўзбекистон ҳақидаги қатор китоблар муаллифи ва ношир Дидье Лябуш. — Ҳар сафар юртингизга ташриф буюрганимда қайтадан унинг шайдосига айланаман. Сизнинг маданиятингиз французлар қалбида алоҳида ўрин эгаллаган. Ушбу кўргазма эса Шарқ ҳақидаги тасаввуримизни янада бойитди. Самарқанд, Бухоро, Хива ва бошқа шаҳарларнинг ажойиб тарихий ва меъморий ёдгорликлари замондошларимизни ўтган даврларга етаклайди, мамлакатингизнинг буюклигидан далолат беради.

**Ғайрат ШУКУРОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Париж.**



***Пойтахтимиздаги "Интерконтиненталь" меҳмонхонасида "Металлургия. Химия. Энергетика" деб номланган халқаро кўргазма кеча ўз ишини якунлади. Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Ўзкимёсаноат", "Ўзбекэнерго" акциядорлик компаниялари ва Савдо-саноат палатаси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир уч кун давом этиб, унда юртимиздаги ва хориждаги бир неча давлатларнинг вакиллари иштирок этдилар.***

## Халқаро кўргазма ўз ишини якунлади

Кўргазмада республикамиз ва Германия, Россия, Қозоғистон, Беларусь, Украина, Латвия, Туркия ҳамда бошқа давлатларнинг жаҳон андозалари талаблари даражасида маҳсулотлар ишлаб чиқараётган компания ва фирмалари ўз маҳсулотлари билан қатнашди. Унда кимё, нефть-кимё, маиший кимё, қора ва рангли металлургия саноати, шунингдек, энергетика ускуналари ва технологияларига кенг ўрин берилди.

Мамлакатимиз корхоналари ҳам кўргазмада фаол иштирок этиб уларнинг маҳсулотлари бир неча бўлимларда намойиш этилди. Машинасозлик, тоғ-металлургия соҳаси, руда металларини майдалаш ва саралаш, металл кесиш, нефть-газ саноати, энергетика, электроэнергияни тақсимлаш тизими мўлжалланган асбоб-ускуналарини шулар жумласига киритиш мумкин.

Республикамизда бундай кўргазманинг ўтказилиши катта аҳамиятга эга. Масалан, юртимизда энергетика соҳаси халқ хўжалигининг асосий тармоқларидан бири бўлиб, иқтисодиётни ривожлантиришда унинг ўрни беқиёс. Иссиқлик Электр Станциялари (ИЭС)да фойдаланиладиган техника воситалари ва технологияларни янгилаб бориш соҳа тараққиётини белгилайди. Шунингдек, мамлакатимизда кимё саноатининг ривожланиши учун барча шарт-шароит мавжуд. Чунончи, соҳада ишлатиладиган хомашё ресурслари — газ, газ конденсати, нефть, олтингугурт, фосфор, натрий карбонатининг йирик конлари бор.

Шу билан бирга, юртимизда қора ва рангли металларнинг ҳам катта захиралари ва уларни қайта ишлаш корхоналари мавжуд бўлиб, Ўзбекистон металлургия, Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари шулар жумласидандир. Кўргазмада иштирок этган корхона, компания ва фирмалар вакиллари маҳсулотларни харид қилиш бўйича шартномалар туздилар.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Жойлардан хабарлар

### Ёшлар ва маънавият

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида «Талаба ёшларни ғоявий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда ижтимоий-гуманитар кафедраларнинг долзарб вазифалари» мавзуида илмий-услубий анжуман бўлиб ўтди. Ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини янада юксалтириш, танқидий-таҳлилий фикрларни ўрганиш масалалари ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларида содир бўлаётган сиёсий вазиятларнинг кенг қамровли таҳлили ва бу ҳолатларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, университетда жорий этилган «Устоз-шогирд» тизимининг тўлиқ амал қилинишининг ташкилий муаммолари анжуманнинг асосий мақсади бўлди.

Семинарда сўзга чиққанлар ижтимоий-гуманитар кафедраларнинг таълим-тарбия соҳасидаги фаолияти тизим жараёнини тўғри ташкил этишдаги муҳим босқич эканлигини алоҳида эътироф этдилар.

**Мавжуда ХОЛМАТОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*«Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси АҚШнинг «Сити Хоуп Интернешнл» халқаро ташкилотидан 150 минг АҚШ долларидан зиёд миқдордаги мурувват ёрдамини қабул қилиб олди. Ушбу ёрдам «Тинчлик йўлидаги озиқ-овқат ёрдами» дастури доирасида амалга оширилди.*

### Мурувват

АҚШнинг Ривожланиш Агентлиги — ЮСАИД кўмагида юзага келган ушбу ташкилот жамғарма билан ҳамкорлик қилиб келаётган 2002 йилдан буён 5 млн. АҚШ доллари миқдоридаги дори-дармон, 75 тоннадан зиёд сабзавот маҳсулотларини етказиб берди. Ушбу юклар кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик, саховат ва мурувват уйлари, тиббиёт муассасаларига ўз вақтида тарқатилди.

Куни кеча келтирилган мурувват юкларини эса Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон ва вилоятларнинг белгиланган касалхоналари, меҳрибонлик ва саховат уйлари, ахлоқ тузатиш муассасаларига юбориш кўзда тутилган.

**Ўз мухбиримиз.**

### Эзгуликни кўзловчи марказ

Вилоятда фаолият кўрсатаётган қозоқ, қирғиз, корейс, тожик миллий-маданий марказлари сафига республика рус миллий-маданий марказининг Жиззах бўлими ҳам қўшилди.

Бўлиб ўтган таъсис конференциясида воҳада истиқомат қилаётган 20 минг нафардан зиёд руслар номидан қатнашган вакиллар бўлим раҳбарларини сайладилар.

Тадбир иштирокчилари вилоятдаги жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаш, вилоятнинг ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Бўлим раҳбари А. Скрипкиннинг таъкидлашича, яқин келажакда жамоанинг ўз кутубхонаси, клуби бўлади. Бўлим қошида турли секциялар очилади.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Жамоатчилик фикри:*

### ТАЖРИБАЛАР УМУМЛАШТИРИЛДИ

Кеча Ўзбекистон Фанлар академиясида «Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида Республика илмий амалий семинарининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Марказ директори ЎзФА академиги Р. Убайдуллаева Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини шакллантириш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва шакллантиришнинг фавқулодда муҳимлиги ҳақида алоҳида тўхталди.

Анжуманга мамлакатимизнинг социолог олимлари билан бир қаторда Россиянинг «Социологик тадқиқотлар» журнали бош муҳаррири, Россия ФА мухбир аъзоси Ж. Тошенко, Бутунроссия жамоатчилик фикрини ўрганиш марказининг халқаро ва жамоатчилик алоқалари директори Д. Поликанов иштирок этди. Улар жамоатчилик фикрини ўрганишнинг Россия тажрибаси ҳақида гапирдилар.

Семинарда сўзга чиққан тадқиқотчи олимлар соҳанинг фалсафий, ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатларини очиб бердилар.

**Мавжуда ТОЖИБОЙ қизи.**

## Жаҳон 24 соат ичида

### Чеченистонга инсонпарварлик ёрдами



**Европа Иттифоқи Чеченистондаги зиддиятлар даврида жабр кўрганларга 29 миллион доллар миқдорида инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Еврокомиссия вакилининг сўзларига қараганда, турли можаролар сабаб 200 минг нафарга яқин чеченлар саргардонликка гирифтор бўлишган.**

**Ўтган йили декабрь ойида Россия президенти Владимир Путиннинг Германияга қилган расмий ташрифи чоғида Чеченистонда барқарор вазият ўрнатиш учун расмий Москва Европа билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирганди.**

### Коинотни забт этмоқчи

***Ўтган ҳафта Япония фазони тадқиқ этиш агентлиги (ЖАКСА) келгуси режалар тўғрисидаги ҳисоботини эълон қилди. Унда коинотни забт этиш билан боғлиқ узоқ муддатга мўлжалланган вазифалар ўз ифодасини топган.***

***Ҳисоботда таъкидланишича, 10 йилдан сўнг Кунчиқар мамлакат барча хавфсизлик талабларига жавоб берадиган ўз фазо кемасини яратади. У одам ва техникани Ойга етказа олади. Ойга мунтазам парвозлар йўлга қўйилгач, у ерда халқаро тадқиқот маркази ташкил этилиши керак. Марказда роботлар ишлайди. Ҳисоботда фазо телескопини яратиш вазифаси ҳам белгиланган. У сайёрамиздан бир ярим миллион километрлик масофага парвоз этиб, коинотни янада кенгроқ ўрганиш имконини беради.***

### Президент қасамёд қабул қилди

**Ироқнинг янги президенти Жалол Талабани пайшанба куни Миллий ассамблея олдида қасамёд қабул қилди. У шундан сўнг мамлакатда кенг қамровли амнистия эълон қилишга ваъда берди. Кузатувчилар янги давлат раҳбарининг бундай қарорини мамлакатдаги исёнчи кучлар билан ярашиш томон дастлабки дадил қадам дея баҳолашмоқда.**

**Маълумот ўрнида шу нарсани ҳам айтиш лозимки, Жалол Талабани қасамёд қабул қилгандан сўнг мамлакат бош вазирлиги лавозимига Иброҳим ал-Жаъфар номзодини тавсия этажагини билдирди.**

### Компания сотилади

***«ЮКОС»га тегишли Шарқий Сибирь нефтгаз компанияси сотувга қўйилди. Бу ҳақда Эвенкия автоном округи губернатори Борис Золотарев маълум қилди. Айни пайтда у «ЮКОС» вице - президенти лавозимини ҳам эгаллаб турибди. Золотарев компания қай тарзда сотилишига ойдинлик киритмади. Сабаби, ҳозирда компаниянинг барча активлари музлатилган.***

***Иқтисодий кузатувчиларнинг тахмин қилишича, Шарқий Сибирь нефтгаз компаниясининг «ЮКОС»га тегишли акциялар пакети 100 миллион доллар атрофида баҳоланиши мумкин.***



**Ислом КАРИМОВ:**

*Мустақиллик ўзбек халқига ўз юртида қадр-қимматини, бўй-бастини, ўз маданияти ва анъаналарини, дину эътиқодини, тили ва маънавиятини қайта тиклаб олишга, миллий ғурур ва миллий тафаккур, Ватанга муҳаббат туйғуларини камол топтиришга замин туғдирди.*



# Ватан ва миллат тимсоли

(Давоми. Боши 1-бетда).

Яқинда бир дўстим таклиф билан келди. Эртага юртимизга Америкадан бир ватандошимиз келар экан. Шу меҳмонни бирга кутиб олайлик, ҳар ҳолда журналист ҳамроҳлик қилса суҳбатимиз яхши қовушади, деган фикрга борибди. Дўстим билан аэропортга чиқдик. Бизга ватандош бўлган меҳмон Ўзбекистонга илк бор келиши экан. Машинага ўтиргач хорижлик меҳмон шундай деди: «Бародарлар, мени тўғри Амир Темур хиёбонига олиб борсаларинг, қолган гапни ўша ерда гаплашаверамиз». «Аввал меҳмонхонага жойлашиб, чой-пой ичсак», деган таклифимиз рад этилди. «Ахир мен бу кунни неча йил кутдим. Амир Темур бобомизни зиёрат қилмасдан ҳеч қаёққа бормайман».

Меҳмоннинг гапи қонун. Кўп ўтмасдан пойтахтимиз марказида жойлашган Амир Темур хиёбонига, шу маскандаги соҳибқирон ҳайкали олдига етиб келдик.

## Барҳаёт сиймо

Амир Темур хиёбонидамиз. Худди пишқириб кишнаётган отнинг кўзлари қия тушиб турган офтоб нурида чўғдай ёнарди. Санъат асарининг табиат ҳодисасига бунчалар уйғунлашиб кетиши кишини ҳайратга солади. От устида атрофга, балки бу ёруғ жаҳонга назар ташлаб турган соҳибқирон пойида меҳмоннинг илк айтган сўзи, «Етказганига шукур», деган калом бўлди. Гўё унинг бошқа армони йўқдай. Ажабо, деярли ҳар куни шу ҳайкал ёнидан ўтиб қайтамиз. Баъзан кундалик ташвишлар билан бўлиб унчалик эътибор ҳам қилмаймиз. Буни қарангки, ер юзининг олис-олис пучмоқларида яшаётган инсонлар шу хиёбонга талпиниб нафас олишаркан. Ҳозиргидек вужудни энтиктирувчи мулоқотга етганлар бор, етмаганлар бор.

— Эҳ, бугун қандай саодатга эришдим, — дея сўз бошлади меҳмон юз-кўзлари завққа тўлиб. — Амир Темурни дунёда буюк халоскор сифатида эъзозлашади. XV асрдаёқ унинг шаънига Европада ҳайкал ўрнатилган. Ҳали собиқ иттифоқда соҳибқиронни Темурланг деб, зулм ва истилочилик пешвосига айлантиришганида Франция, Буюк Британия, Италия, Испания, Германия, Ҳиндистон, Туркия, Покистон, Эрон, Миср каби мамлакатларда «Темур тузуклари» олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Биз ҳам меҳмонга ўз билганларимизни гапириб бердик. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг давлатимизнинг биринчи Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан Амир Темур қадрияти юксак поғонага кўтарилгани, 1996 йилда соҳибқироннинг 660 йиллик тантаналари нишонлангани боис буюк бобомиз ҳақида анча-мунча маълумотларни ўзимиз учун кашф этганимизни айтдик.

— Ўзбек халқининг бахти бор экан, — дея гурунгни давом эттирди меҳмон. — Илгари Ўзбекистон деганда кўпчилик юзида ноаниқ тасаввур пайдо бўларди. Нима дедингиз, Покистонми, ҳа, бу Афғонистонга қўшни жойми, деган саволлар бўларди. Энди эса Ўзбекистон десангиз, «Ҳа, биламиз — Ислом Каримов шу давлатда Президент. Тинчлик учун фидойи инсон» деган баҳоларни айтишади. Афғонистонда террорчи кучларга қарши кураш бошланганда дунёнинг кўплаб телеканалларида Ўзбекистон номи югурик сатрларда ёзилди, бу давлат тинчлик, бунёдкорлик йўлидан бораётганлиги жаҳонга кенгроқ аён бўлди.

## Орият топталганда...

Баъзан шунақа бўлади: кўзингиз ўрганиб қолган воқеалар буюклигини ҳис қилиш учун ғайри табиий ҳолат рўй бериши керак. Хориждан келган ватандошимизнинг биз учун оддий туюлган нарсалардан ҳайратга тушиши чуқурроқ ўйлашга даъват этди. Ватан туйғуси, киндик қони тўкилган тупроқ азизлигини бу неъматдан жудо бўлган одам ёрқинроқ ҳис қилади. Тасаввурга эрк бериб бир лаҳза ўзимизни Ватандан айри ҳолда ўйласак, юрагимиз узилиб тушгандай бўлади.

Хаёлимизни меҳмоннинг саволи бўлди:

— Илгари бобомиз ҳайкали ўрнида нима бор эди?

Эҳ-ҳе, бу саволга бир сўз билан жавоб бериб бўлармикан? Ёши улуғ одамларнинг айтишича, хиёбонда дастлаб рус мустамлакачиси Фон Кауфманнинг бюсти ўрнатилган. Бу ерга маҳаллий аҳоли қадам қўймас, шу атрофдаги боғ дарвозасига «Сартлар ва итларнинг кириши тақиқланади» деган ёзув битилган. Ҳокимият шўролар қўлига ўтгач, шоҳсупа устида Сталиннинг ҳайкали пайдо бўлган. Сиёсат ўзгаргач, диктатор ўрнига йўқсиллар доҳийси Карл Маркснинг калла қисми қўндирилган. Учала ҳолатда ҳам ўзбек миллатининг ғурури топталди, ўзга юртнинг ҳукмронлари эъзоз топди.

**БИЗНИНГ ИЗОҲ.** *Шўролар даврида миллатнинг асл жонкуярлари халқ кўзидан панада сақланарди. Амир Темур, Жалолиддин Мангуберди сингари Ватан фидойилари зулм-истибдод рамзи сифатида қораланар, Петр биринчи, Илья Муромец жасорати ўзбек мактабларида ўқитиладиган дарсликларни безарди. «Буюк оға»га таъзим ғояси қўшиқларимизнинг илк сатрини ташкил этар, Ватан куч-қудратини Кремлнинг метин деворлари ифода этарди. Жиззах даштларида Арнасой тумани бор. Ушбу ҳудудда янги очилган давлат хўжаликларига ном бериш зарурати туғилганда ғалати ҳолат рўй берди. Бир хўжаликка Малиновский, яна бошқасига Рокоссовский, қолганларига Тимошенко, Конев, Ворошилов, Жуков, Гречко каби саркардалар «эгалик қилишди». Бирор одам «Ҳой, бу зотларнинг Ўзбекистонга нима алоқаси бор?» деб сўролмади. Сўролмасди ҳам. Гўё халқнинг устида қизил империя саркардаларининг қиличи осиб қўйилганди.*



Лекин бундай адолатсизлик узоқ давом этиши мумкин эмасди. Жаҳонда халоскор номи билан олис ўлкаларда довруғ қозонган Амир Темур ўз юртида камситилиши ҳеч бир мантиққа тўғри келмасди. Жафокаш халқнинг бахтига мард ва ботир фарзанд кураш майдонига кириб келди. Эрк ва озодлик йўлида асосий куч-қудрат манбаи азалий қадриятлар тантанаси бўлди.

Авваллари халқ Амир Темур даҳосига нисбатан эътиқодини ичида сақлаб келган эса, асрий орзулар рўёби туфайли бу туйғу бор бўйи билан намоён бўлди. Буюк бобомизнинг тарих олдидаги хизматларини «Амир Темурнинг Ўрта Осиё тарихида тутган ўрни ва роли» китобида баён этган академик Иброҳим Мўминовга ўтказилган тазйиқ-азоблар ҳали илм аҳлининг хаёлидан кўтарилмаганди. Ўша қатағон кунларни бошдан кечирган ўзбек зиёлилари Президент Ислом Каримов жасоратини мўъжиза сифатида қабул қилишди. Шуларни хорижлик меҳмонга тушунтирдик. У яна қайси шаҳарларда Амир Темурга ҳайкал ўрнатилганлиги билан қизиқди.

***Ҳайкалтарош Илҳом Жабборов сўзи:***

*— Мен учун бобомиз ҳайкалларини яратиш жуда катта мактаб бўлди. Агар Юртбошимизнинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги бўлмаганида, қўлимиздан шу иш келганда ҳам, олдимиздаги вазифани бундай чуқур маъноли, ҳаётий ва ёрқин тарзда ҳал этолмасдик. Гарчи бу ҳайкаллар муаллифи сифатида менинг номим ёзилса-да, ўчмас обидаларнинг бош меъмори муҳтарам Президентимизнинг ўзларидир. Кечагидай ёдимда: Тошкентда барпо этилажак Амир Темур ҳайкали эскизларини кўздан кечириб, мендан: «От минганмисан?» — деб сўрадилар. «Ҳа, минганман», дедим. «Нега бўлмаса, тизгинни ўнг қўлга тутқаздинг?» дедикми?» дедилар. Шундай дея катта самимият билан мени ўзларига яқин олганларидан кейин у кишининг ҳар бир фикрларини тез илғайдиган бўлдим.*

*Бир куни Ислом Абдуғаниевич кутилмаганда ҳайкалтарошлик комбинатига кириб келсалар бўладими? Ҳамма нарсалар очиқ-сочиқ, ивирсиб ётибди. Ер ёрилмадию, ерга кирмадим. Юртбошимиз «Шундай шароитда ҳам ҳайкал қилиб бўладими?» дея танбеҳ бердилар. Ўшанда Шаҳрисабзда ўрнатиладиган ҳайкалнинг композициясини тубдан ўзгартирдилар: Соҳибқирон оёғини бошқатдан ишлаб, қўлидан қилични «олдик». Самарқанддаги ҳайкалга қайта-қайта тузатиш киритилди. Йўналиш аниқ эди: «Салтанат тахти айни Самарқандда бўлган, Соҳибқирон унда султонлар султонига мос виқор ва салобат билан ўтирсин! Унинг қадди-қомати ҳам, савлатли чеҳраси ҳам жаҳонгирнинг тоза насл-насабидан, Тангри ёрлақаган улуғ зот эканидан далолат берсин». Мен учун бу ғояларни моддийликка айлантириш қолганди, холос.*

*Баъзан ўйлаб қоламан: кечаю кундуз эл-юрт қайғуси билан банд одам, дунё миқёсида кенг танилган давлат арбоби санъатнинг хос бир соҳаси — ҳайкалтарошликда шу қадар зукко бўлганлигига сабаб нима экан? Президентимизнинг ўткир нигоҳи сиз ва биз илғамаган нозик нуқталарни аниқ кўради. Она-Ватан учун масъуллик, юртга фидойилик туфайли шундай бўлса керак, деб ўйлайман.*

*Самарқанд, Шаҳрисабздаги ҳайкаллар устида бир вақтда ишлашга тўғри келди. Аввалига қаттиқ ҳаяжонландим. Юртбошимиз ҳолатимни сездилар чоғи, кўнглимни кўтариш учун: «Сен ҳеч кимга қулоқ солма, мен билан ишла, ўтган сафар биргаликда ёмон ишлаганларида, шу жиҳатига эътибор қилмаганимдан қизариб кетдим. Сўнг жиловни Соҳибқироннинг чап қўлига тутқазиш, унинг сиймосини ўнг қўлни кўтариб, жаҳон халқларига омонлик тилаётгандек қилиб тасвирлаш ғоясини айтдилар. Дастлаб бобомиз минган от Тошкент курантига қараган эди. Юртбошимиз маслаҳатлари билан «Сайилгоҳ» кўчаси томон бурилди. Кейин билсам, Соҳибқирон Мустақиллик майдони сари кетаётгандек бўлар экан. Бу рамзий маънога эга, албатта. Президентимиз ҳайкал композициясини бошдан-оёқ тўлиқ изоҳлаб бердилар: «Амир Темур қўлида от жиловини эмас, балки дунёнинг ярмини тутиб турганлиги акс этсин». Мен ана шу шижоатни ифодалайман, деб эскизни кўрсатганимда Йўлбошчимиз: «Дуруст, лекин жилов бунча таранг турмасин, озроқ бўшаштиринг, токи зарур бўлганда яна тортишга имкон бўлсин», дедилар. Айниқса, отнинг оёқларига алоҳида эътибор берилди. Амир Темур минган тулпор шундай яратилсинки, унинг оёқлари тупроққа текканида шиддат-шижоат ёрқин акс этсин.*

Самарқандда тикланган Соҳибқирон ҳайкалининг ўзи буюк тарихимизни ифодалаб турганини мамнуният билан, ғурур билан гапириб бердик. Кўҳна Самарқанд марказида ўрнатилган ҳайкал очилган куни Ўзбекистон Президенти шаҳар байроғига Амир Темур орденини тақиб қўйди. Худди ўша куни Шаҳрисабзнинг Оқсарой обидаси олдида Соҳибқироннинг улуғвор ҳайкали қад ростлади. Бутун бўйи билан акс эттирилган бу санъат дурдонасида бобомизга хос ўктамлик, дадиллик, мардлик ва шижоат ёрқин намоён бўлган. Бу шаҳарга ҳам Амир Темур ордени берилди. Бизда бу нишон энг юксак мукофот бўлиб, унга камдан-кам одамлар муносиб кўрилади.

— Хўш, Темурийлар тарихини акс эттирган музейга қачон борамиз? — меҳмоннинг бу саволига жавобан хиёбонга туташиб кетган Амир Темур кўчасидаги мовий гумбазли бинога ишора қилдик.

## Узукдаги ёқут кўз

Музей яратилиш тарихининг ўзи бир достон. 1993 йилда, Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллиги байрами кунлари Амир Темур ҳайкали очилишида халқ ва миллат тарихининг кўзгуси сифатида шу ерда янги музей барпо бўлиши айтилганди. Жуда қисқа муддат мобайнида миллий меъморчилигимизнинг юксак намуналарини ўзида акс эттирган музей қад ростлади.

Самарқанд ва Шаҳрисабздаги ҳайкаллар очилган куни — 1996 йил 18 октябрда ана шу муҳташам кошона эшиклари ўз бағрига мухлисларини чорлади. Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Юртбошимизнинг қуйидаги таърифи ҳамон қулоқларимиз остида жаранглаб турибди: «Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир».

Мана, тўққизинчи йилдирки, ўша ёқут кўзли узук ўзининг камалак мисол жилоларини офтоб нурида ажиб товлантирмоқда. Амир Темур жаҳон тарихида Европа ва Осиё қитъалари ўртасидаги илк алоқани йўлга қўйиб, беҳаловат ҳаёти, сурonли йўли билан мангуликка дахлдор бўлсаю, шу пайтгача битта музей қуришга ҳам рухсат бўлмаган. Истиқлолнинг беш йиллиги нишонланган санада эса шундай музей яратилди.

Ушбу бунёдкорлик иншооти Президентимизнинг доимий раҳнамолигида бунёд этилди. Мовий гумбазлару шаффоф фавворалар, маҳобатли заллардан мармар зинапаргача халқнинг буюк ўтмишини ифодалаши керак эди. Музейнинг қўш табақали қопқалари очилганда, гўё замонлар эшиги ўзи бағрига чорлагандай бўлади.

## Ўтмиш ва келажак дийдорлашуви

Иморат тархи кўриниши айлана шаклида. Бинонинг салобатли мовий гумбазига назар ташлаганда кўз ўнгимизда беихтиёр Самарқанддаги Гўри Амир мақбараси намоён бўлади. Музей ўрта асрлар меъморчилиги қонун-қоидалари анъаналаридан фойдаланилган ҳолда қурилса-да, замонамиз руҳига мос ҳолда яратилган. Иморатнинг бутун айланаси бўйлаб жойлашган ярим очиқ айвонини салобатли устунлар безаб туради. Ташқи девор юзаси айлана бўйлаб сиркор сопол медальонлар билан безатилган. Бино махсус темир-бетондан яхлит қилиб ишланган супа устига жойлаштирилган (бу усул ҳам темурийлар даври меъморчилигидаги анъанага мос).

***— Мен шу музей қурилишида иштирок этганлигим билан фахрланаман, — дейди бинокор Муҳиддин Баратов. — Бу иншоотнинг ҳар бир ғиштини қўйганимизда тарих учун қанчалик керакли иш қилаётганимизни юракдан ҳис қилдик. Шундай оламшумул вазифани бажариш бизга насиб этди. Президентимизнинг шижоати, узоқни кўзлаб иш юритиши туфайли келгуси авлодлар олдида ҳам юзимиз ёруғ бўлди.***

Бино қурилишида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Турон» фирмаси, Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси (иморат гумбаз томини ёпиш, фаввораларнинг косасини тайёрлаш ишлари) қатнашган. «Миконд» заводи ўттиздан ортиқ катта-кичик ҳажмдаги биллур қандилларни ва ёритгичларни ишлаб берган. Улардан энг улкани 500 та ёритгичли «Зумрад» қандили бўлиб, оғирлиги 2 тонна, баландлиги 8 метр, диаметри 6 метрни ташкил этади. «Усто» бирлашмаси барча бадиий ишларни, яъни гумбазнинг ички томонига рангли жилолар беришда, салобатли ўйма нақшли эшикларни ишлашда, марказий панного миниатюрани уйғунлаштиришда, айвон устунларини ва кинозални нақшлар билан безашда қатнашган, Кулолчилик заводи бино ташқи деворларидаги бадиий панноларни тайёрлаш ишларини бажарган.

Бино уч қаватли бўлиб, умумий баландлиги 31 метр, ташқи диаметри 70 метр, ички диаметри 50 метр. Музей экспозициясини осори атиқалар билан бойитишда Президентимизнинг махсус қарорлари ва кўрсатмалари асосида мамлакатимиз (Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон каби) шаҳарларидаги йирик музейлардан темурийлар тарихига оид ноёб экспонатлар олиб борилди. Экспозициядан археология, этнография, нумизматика ёдгорликлари, қўлёзмалар, тасвирий санъат намуналари жой олган.

Меҳмон билан музей ичкарисига кирдик. Кенг ва ёруғ залларда экспонатларни яйраб томоша қилиш мумкин. «Туғилиш», «Юксалиш» ва «Фахрланиш» деб аталган экспозициялар Ўзбекистоннинг бой ўтмиши, бугунги жамоли ва нурли келажагини акс эттирарди. Бамисоли асрлардан асрларга қадам ташлардик. Амир Темур авлодлари бунёд этган Агра шаҳридаги Тожмаҳал макети олдида меҳмон кўпроқ туриб қолди. Ер юзи мўъжизаларидан бири саналмиш бу беқиёс обиданинг аслини меҳмон кўрган, Ҳиндистонда уни мўғуллар қурган деб айтишганини ёдга олди. «Ахир бу дурдона ўзбекка, Ўзбекистонга дахлдорлигини баралла айтиш керак», деди.

Навбатдаги кўргазмани меҳмон ажиб бир ҳайрат билан кузатди. Рангли тасвирларда Ўзбекистон Президентининг Испанияга ташрифи акс эттирилганди. Азалдан Амир Темур юрти билан ҳамкорлик алоқаларини боғлаган бу қадимий давлатда Ислом Каримовга миллий либосда саф тортган ҳарбий оркестр энг олий мартабали давлат раҳбарларига кўрсатиладиган удумларда пешвоз чиққанди. «Нозиктаъб испанлар шунчалик катта эҳтиром кўрсатишганини билмаган эканман», деди меҳмон ҳаяжон ила қувониб.

Биз бундай муносабат табиий эканлигини айтдик. Негаки, Амир Темур замонида бошланган ҳамкорлик ва дўстлик ришталари орадан 600 йил ўтгач, Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан янги поғоналарга олиб чиқилди. 2003 йил январда Ислом Каримовнинг Испанияга сафари қадимдан бошланган дўстлик ришталарини тиклади.

## Париж ҳайрати

Гап Европа билан алоқалар ҳақида кетар экан, ватандошимизга Амир Темурнинг 660 йиллиги ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида зўр тантана билан ўтказилганини ҳам гапириб бердик. У ерда ташкил этилган «Темурийлар даврида илм-фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» ҳафталигида дунёнинг мана ман деган арбоблари ҳайратга тушишганди. Парижнинг машҳур «Одеон» театрида ва ЮНЕСКОнинг 1200 кишилик залида уюштирилган Ўзбекистон санъат усталарининг концертларини кўрган европаликлар «Фақат буюк халқнинг санъати шундай бўлиши мумкин!» дея баҳо беришганини айтдик.

— Эҳ, қанийди, шуларнинг ҳаммасини олис юртдаги ватандошларимиз ўз кўзлари билан кўришса, — деб завққа тўлди меҳмон. — Ахир Ўзбекистон шу қадар илгари кетганлиги уларни ҳам қувонтиради-да!

— Бунинг қийин жойи йўқ — дедик меҳмонга. — Вестминстер университетининг Тошкентдаги филиали муаллимлари, талабалари «Темурийлар тарихи давлат музейи» мавзусида виртуал кўргазма мультимедиа дастурини тайёрлашган. Уни сизга совға қилишимиз, сиз уни ҳаммага кўрсатишингиз мумкин, дея заррин нақшу нигорлар билан безатилган дискни тутқаздик. Меҳмоннинг наздида, бу диск эмас, баҳоси йўқ хазина эди.

Юртимизда рўй бераётган ўзгаришларни чет эллардаги дўстларимиз ҳам сезиб туришибди. Ислоҳотларнинг умидбахш манзара-меваларини фақат ожиз одамгина кўрмаслиги мумкин. Энди халқимиз турмушида истиқлолнинг ҳар бир байрамига муносиб совға билан бориш ажойиб анъанага айланди. Одамларимиз онги юксалмоқда. Буларнинг барчасида Юртбошимизнинг раҳнамолиги алоҳида аҳамият касб этаётир. Юрт учун ёнган, юрт учун бош бўлиб фикрлаётган инсон ибрати халқ куч-қудратининг эзгу амалларга йўналишига илҳомбахш омил бўлаётир.

— Энди мен тушундим, — деди ватандошимиз кўрганлари ҳақида хулоса қилиб, — Ўзбекистон жуда қисқа тарихий муддатда жаҳон ҳамжамиятидан дадил ўрин олганига сабаб унинг бой ва буюк ўтмиши қувват бўлаётганида экан. Агар ана шу ғурур бутун халқ онгидан жой олса, ишонинг, сизларнинг парвозингизни ер юзида ҳеч қандай куч пасайтиролмайди.

*Ҳар баҳорда Амир Темур таваллуди муносабати билан Соҳибқирон ҳайкаллари пойига гуллар қўйилади. Темурийлар тарихи давлат музейи залларида юртимиз зиёлилари, ҳақиқий ватанпарварлар тўпланишади. Бундай анжуманларда буюк бобомизнинг олтин мероси қалбларимизни янгилайди. Кўнгилларга экилган эзгулик уруғи туп қўйиб, палак ёзади.*

*Миллатимиз фахру ғурурига айланган ушбу бунёдкорлик иншоотларидан таралган ёғду халқимиз дилини ёритади. Ана шундай маънавият манзиллари ҳақида кейинги суҳбатимизда ҳикоя қиламиз.*

**Шуҳрат ЖАББОРОВ.**

## Орамиздаги одамлар

***Қишлоқда, “Уйни уста Саттор қурсину, эшик-деразани Файзи ака ясасин-да. Чокини чокига шунақа тўғрилайдики, қуймами дейсан. Юз йил турганда ҳам қилт этмайди”, деган гаплар қулоғимга тез-тез чалиниб турарди.***

***Қўшнимиз Алижон ака айвонини равон қиладиган бўлди-ю, уста кутишни бошлади. Аммо икки-уч кун ўтдиям устадан дарак бўлавермади.***

— Қишлоқда нима кўп — уста кўп, бирортасини чақириб қўяқолмайсизми? — унга ўзимча ақл ўргатдим.

— Э, нималар деяпсан! Равон қиладиган бўлсам фақат Файзи акага қурдираман, бошқаси ўтаверсин, — деб қўшнимиз қўл силтади. Сўнг менга қараб, сўради: — Ғўс қишлоғилик Файзи аканинг таърифини эшитмаганмисан?

— Номи бир-икки қулоғимга чалинган-у, аммо унча яхши билмайман, — дедим.

— Э, нимани биласан ўзи? — Алижон ака киноя билан гапини давом эттирди. — Ургутнинг Испанза қишлоғидагилар асосан савдогарлик билан машғул бўлишса, Баҳринда хусусий тадбиркорлар, Манғитободда эса зиёлилар кўп. Аммо ҳунар, донғи достон ҳунармандлар ҳақида гап кетганда эса, энг аввало, Ғўс қишлоғи тилга олинади. Чунки бу ердагилар ҳунарни эгаллаб ҳунарга ҳам, ўз ҳаётларига ҳам зеб беришда устаси фаранг. Шунинг учун уларни нафақат Ғўсда, балки бутун Ургут туманию Самарқанд вилоятида ҳам яхши танишади. Булар тахтани ҳам гапиртиришади. Ғўснинг бундай машҳур бўлишида Файзи аканинг хизматлари катта, албатта.

Файзи ака тоғ этагида жойлашган қишлоқда туғилди, шу ерда униб-ўсди. Тоғлик жойда деҳқончилик қилиш қийин. Шу боисдан у ҳеч иккиланмай дурадгорликка меҳр қўйди. Шу йўлда изланди, интилди, ўрганди. Қаерда яхши устанинг дарагини эшитса, бориб маҳоратини оширишга ҳаракат қилди. Унинг бу ҳунарини эгаллагани эса ён-атрофдагилар учун ҳам наф бўлди. Чунки узоқ тоғ қишлоғида иморат соладиган одамга шаҳарга бориб эшик-ромга буюртма бериш анчагина мушкул юмуш. Шу маънода айтадиган бўлсак, Файзи аканинг уста сифатида одамларга тегаётган фойдаси беқиёс. Бугунги кунда эса нафақат у кишини, балки устанинг ўғилларини ҳам етти ёшдан етмиш ёшгача бирдек ҳурмат қилади. Чунки уста ўғиллари қалбида ҳам ҳунарга ҳавас уйғотди. Бир сўз билан айтганда, ғўсликлар орасидан усталар сулоласи етишиб чиқди.

# «МАНСАБИ» ҲУНАР, «АМАЛИ» ЯХШИЛИК

Файзи аканинг қўли қанчалик гул бўлса, унинг феъл-атвори ҳам шунчалик қизиқ. Яратган унинг исми жисмига монанд хулқ ҳам ато этган: бир сўм орттирса, ҳожатманд кишиларнинг дуосини олишга, яхшиликка сарф этишга одатланди. Умуман устанинг ғалати-ғалати одатлари борки, ҳавас қиласан киши. Улардан бири шуки, у умрида ҳеч қурса бир марта бўлса ҳам пўрим кийингани йўқ. Ёқтирмайди. Йўқ, унинг пули ҳар қандай кийим харид қилишга етади. Лекин... ёнида қўшнисинингми ёки нариги маҳалладаги танишинингми бирор нарсага муҳтожлигини била туриб у ясан-тусан қилиб юришни ўзига эп кўрмайди. Юз-хотир қилади. Аввал шу одамларнинг оғирини енгил қилай, кийиниш бўлса қочиб кетмас, дейди у. Аммо мана уста ҳозир етмиш ёшдан ошди, қанчадан-қанча одамларнинг мушкулини имкон қадар ҳал этишга кўмаклашди, лекин бу “кийиниш қочиб кетмас” деган гап ҳамон айтилмоқда.

— Бўлиб ўтган бир воқеани сўзлай, — ака ўз ҳикояларидан ўзи завқланиб гапира кетди. — Зиёвуддин деган одам ўтган. Деҳқончилик билан шуғулланарди. Икки хонали уй қуришни бошлади-ю, эшик-деразага келганда, қўли юпқалик қилдими, иморат чалалигича қолиб кетди. Бир ой ўтиб Зиёвуддин ака қараса, иморатига иккита эшик, тўртта дераза суялган. Бировга эшик-дераза кераклигини айтмаган, ҳайрон бўлибди. Суриштирса, Файзи ака ташлаб кетган экан. Иморатдан битта қўчқори ортиб қолган экан, уни етаклаб Файзи аканикига олиб борибди. Файзи ака қўйни кўриб оғзини очганича қотиб қолибди. “Раҳмат, Файзи ака, эшик-деразани ҳақига мана шу қўчқорни оласиз”, дебди Зиёвуддин ака. “Мен сендан қўй сўраяпманми?” дебди унга жавобан уста. “Унда сотиб пулни олиб келиб бераман”, дебди Зиёвуддин ака. “Мен сендан пул сўраяпманми?” дебди яна Файзи ака. Зиёвуддин аканинг жаҳли чиқиб, “Мен сендан эшик-дераза сўраганмидим!” деб бақирибди. “Э, жўра, — дебди уста кулимсираб, — қўлимдан келгани эшик-дераза ясаш экан, жиндай ҳақим сенга ўтиб кетса нима қилибди?” “Сени ҳақинг керак эмас! — Зиёвуддин ака бўш келмабди. — Қўйни оласан, орамиз очиқ!” “Унда мундоқ қиламиз, — дебди Файзи ака ҳар сўзини таъкидлаб, — уйингни битказасан, қўйни сўйиб маҳаллага уй тўйи қилиб берасан”. Тўй қилиб Зиёвуддин ака ҳақидан қутилган экан. Одамларга ана шунақа қайишади, Файзи ака. Аммо баъзи бировларга...

Топарман-тутарман бир савдогар, ўша устага эшик-ром буюртма бериш учун уни уйига чорлабди. Буни эшитган ҳамқишлоқлари Файзи акага гап ўргатишибди, йўл-йўриқ кўрсатишибди:

— Ҳа, уста ана энди пулнинг тагида қоласиз.

— Оғзингизга сиққанича сўрайверинг.

— Тағин унинг устамонлигига учиб, нархингизни паст олманг.

Оиладагилари эса устага яхши кийиниб боришни маслаҳат беришибди. Аммо тарки одат — амримаҳол. Уста яна ўша эски яктагу, одми махси-ковушда айтилган жойга йўл олибди.

Бой эса эшик-ром ясатиш баҳона бир гуруҳ дўстларини чақириб, зиёфат уюштирибди. Катта меҳмонхонада кийинишию лавозими бир-биридан қолишмайдиган қиркдан зиёд киши тўпланишгач, уй соҳиби зиёфатдан муддао не эканлигини айтади ва ҳамма устани кута бошлайди.

Унинг келганини эшитиб, уй соҳиби чиқиб қараса, остонада одмигина кийинган киши турганмиш.

— Кимсиз?

— Файзи устаман.

— А...ҳа, шундай денг... қани ичкарига... Мен сизни умуман бошқача тасаввур қилардим.

Уй соҳиби шундай деб, уни ичкарига олиб кирибди. Лекин ҳеч кимга уни уста деб таништирмабди. Ким билсин, балки ор қилгандир... Хуллас, меҳмонлар ичкиликка тўйиб олишган эканми, зиёфатдан кўзланган асл муддаони ҳам унутишиб, тарқалишибди. Улар кетгач, уй соҳиби устага фалонча эшигу бунча ром керак, улар мана бундай ясалиши даркор, дея бошмалдоғини осмонга ниқибди.

— Оғзингизга сиққанини сўрайсиз, хоҳласангиз ҳозир пулини бераман, — дебди у гапининг сўнгида.

Шунда боядан бери ўзини чўғ устида ўтиргандек ҳис қилган, бундай муомалага кўникмаган уста:

— Мен сизнинг уйингизга эшик-ром ясамайман дебди.

Устанинг бу гапи бутун қишлоққа тарқалди. Кимдир у деди, кимдир бу деди. Аммо тушунганлар хулосани тўғри чиқарди...

Устанинг Зайниддин, Баҳриддин, Нуриддин деган ўғиллари ҳам топарман-тутарман йигитлар. Уларнинг ҳам тирикчилиги, обрў эътибори шу ҳунар орқасидан.

Ажойиб одам-да, уста Файзи ака.

Қизиқ, ўша куни қўшнимизнинг сўзини тугатишини кутгандек, эшикдан Файзи ака кириб келди. Кўрмагандим, бу одамни. Аммо таърифланган одам шу киши эканлигини кўнглим сезди. Одмигина кийинган, қўлида халта... Юзида одамни ўзига тортадиган бир нур кўрингандай бўлди. Ҳаммамиз билан қўшқўллашиб сўрашгач, сўрига ўтириб дуо қилди. Сўнг, дастурхонга қиё ҳам боқмай, равонни ўлчашга киришиб кетди:

— Э, ука, сендан бошқа кутиб турганлар ҳам бор, — деди у шўх овозда. — Равонингнинг ўрнини ўлчайман-у кетаман. Тахталарни уйимга олиб бориб берасан. Бу ерда тарақ-туруқ қилиб қўшниларнинг қулоғини том битказмайлик.

Устанинг илдам-илдам қадам ташлашлари, эшак устига енгил чиқиб тушишларни кузатиб, бу одамнинг етмишга кирганига ишонмайсиз.

— Етмишга кирганга ўхшамайсиз, — дедим ҳазил оҳангида.

— Қаришга вақт қайда дейсан, ўғлим, — жавоб қилди уста кулимсираб.

Уста ишини ярим соатда тамомлади. Дастурхонга чорлаганимиз, ҳеч бўлмаганда, бир пиёла чой ичиб кетишга айтган таклифларимизга уста кўнмади.

— Чой эмас, ошлар еймиз. Фақат равон битган куни, — деб у кўча томон юрди.

Уста кетди. Аммо у ҳақида қалбимизда бир меҳр қолди. Уста Файзи бобога ҳавасимиз, унга ўхшагимиз келди. Қанийди, шундай одамлар юртимизда кўп бўлса, деб ўйлай кетдик. Одамнинг яхшилиги унинг амали билан эмас, халққа теккан нафи билан ўлчанади, деган гап Файзи акага ўхшаганларга қарата айтилган бўлса, не ажаб...

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**“Халқ сўзи” мухбири.**

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ**
**РЕСПУБЛИКА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ**
2005-2006 ўқув йилига 1998 йилда туғилган ўғил ва қиз болаларни
ТАСВИРИЙ САНЪАТ ВА МУСИҚА БЎЛИМЛАРИГА
ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ.
*Аризалар 2005 йил 1 майдан 31 майгача қабул қилинади.*
*Қабул имтиҳонлари 1 июндан бошланади.*
Манзилимиз: 700152, Тошкент шаҳри, Акмал Икромов тумани, 22-мавзе, I-а уй.
Автобуслар: 2, 8, 33, 41, 77, 87, 182. Троллейбуслар: 12,13. «Москва остонаси» бекати (Подмосковная).
Телефонлар: 74-92-21, 74-96-44.
450Н674

**«ЎЗНЕФТГАЗҚУДУҚТАЪМИРЛАШ» ОАЖ**
**ўз акциядорларини 2005 йил 10 май куни соат 10.00да ўтказиладиган умумий йиғилишга таклиф этади. Акциядорларни рўйхатга олиш соат 8.30 да бошланади.**

*Кун тартиби:*

1. 2004 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича жамият бошқарув раисининг ҳисоботи.
2. Жамият кузатув кенгашининг 2004 йилда бажарган ишлари юзасидан ҳисоботи.
3. Жамият тафтиш комиссиясининг 2004 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича ҳисоботи.
4. Жамият аудиторининг ҳисоботи.
5. 2005 йилги жамият бизнес-режаси ва смета харажатларини тасдиқлаш.
6. Жамиятнинг 2004 йил молиявий-хўжалик якунлари бўйича бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳисоб варағини тасдиқлаш.
7. Жамият акциядорларига дивиденд ҳисоблаш ва тўлаш тартиби тўғрисида.
8. Жамият бошқарув раисининг 2005 йил учун ишга ёллаш шартномасини тасдиқлаш.
9. Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш.
10. Жамият тафтиш комиссиясини қайта сайлаш.
11. 2005 йилга жамият аудиторини тасдиқлаш.

*Манзил: Бухоро вилояти, Қоровулбозор шаҳри, Қарши шоҳкўчаси, «Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖ маъмурияти биноси.*

**«Ўзнефтгазқудуқтаъмирлаш» ОАЖнинг 2005 йил 1 январь ҳолатидаги баланси ва молиявий натижалари**

| Кўрсаткичлар | Минг сўм |
|---|---|
| **Актив** | |
| Узоқ муддатли активлар | 3802650 |
| Оборот активлар | 5695416 |
| Жами | 9498066 |
| **Пассив** | |
| Ўз маблағлари манбалари | 4529920 |
| Мажбуриятлар | 4968146 |
| Жами | 9498066 |
| **Молиявий натижалар** | |
| Сотишдан олинган тушум | 5875753 |
| Жами харажатлар | 4977881 |
| Фойда | 897872 |
| Фойдадан тўланган солиқлар | 365719 |
| Тақсимланмаган фойда | 532153 |
| Низом жамғармаси | 217700 |

*Баланс тўғрилиги АФ-00118-сон лицензияли «Аудит-96» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.*
*Жамият кузатув кенгаши.*

*Пахта толасини ва момиғини қайта ишлайдиган истеъмолчилар ва корхоналар диққатига!*
**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОВАР ХОМАШЁ БИРЖАСИ**
**2005 йил 14 апрель куни соат 15.00да**
**республика истеъмолчиларига пахта момиғини сотиш бўйича «Кимошди» савдоларини ўтказади.**
Қатнашчиларни рўйхатга олиш савдо ўтказиладиган куни соат 10.00`дан Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон» шоҳкўчаси, 53-«А» бинода (Давлат мулки қўмитаси биносининг чап қанотида) ўтказилади. Ҳудудий «Пахтасаноат» уюшмалари томонидан қўйилган пахта момиғининг миқдори, ва бошланғич нархлари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Товар хомашё биржасидан, унинг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги филиалларидан олишингиз мумкин.
**Маълумот учун тел./факс: 139-83-88.**
488Н719

**АБДУРАҲМОН** ХУСУСИЙ ШИФОХОНАСИ
Хизматлар рўйхатга олинган.
**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАРНИ САМАРАЛИ ДАВОЛАЙДИ:**
- Гайморит ва фронтитни пункциясиз даволаш;
- Аллергик вазомотор ринитлар, бурундан ва димоғдан нохуш ҳид келишини;
- Қулоқнинг йирингли ва йирингсиз яллиғланишларини;
- Қулоқдаги шовқин, эшитишнинг заифлашуви ва қулоқдаги замбуруғли яллиғланиш/отомикоз/;
- Болаларда ва катталарда ларингитнинг қайталаниши, овознинг бўғилиши, сабабсиз йўтал ва томоқдаги ёт жисмнинг сезилиши;
- Сурункали тонзилитларни ва фарингитларни катталарда ҳамда болаларда жарроҳликсиз даволаш, тонзилэктомиядан кейинги томоқдаги оғриқларни.

*ҚАБУЛ ВАҚТИ — 9.00дан 20.00гача.*
Манзил: Тошкент ш., Чилонзор массиви 17, 32 а-уй. Телефонлар: 116-88-02, 76-86-85.
Мўлжал: «Чилонзор» метро бекати ва «Совпластитал» дўкони.

«ЎЗБЕКНЕФТЕГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
**ШЎРТАН ГАЗ КИМЁ МАЖМУАСИ**
**2,4 - пентандион (ацетилацетон) – 70 тн.**
Кимёвий реагентини сотиб олиш учун тендер савдоси эълон қилади,
**Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.**
Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин: 731300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, Шўртан қишлоғи, Шўртан газ кимё мажмуаси.
Тел.: (998 75) 221-15-64, 221-00-19.
Факс: (998 75) 221-08-46, 221-09-04.
Электрон почта: shghk@uzpak.uz
475Н716

# ОЛАМ НАФАСИ
**Янгиликлар, воқеалар, далиллар**

## Россия бозорининг энг олди

Россия автомобиль бозорида Daewoo компанияси машиналари етакчиликни қўлга киритишди. Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган Nexia ва Matiz моделлари ўтган йили мамлакат бозорида илғорлик қилган Hyundai ва Япониянинг Mitsubishi компаниялари автомобилларидан ўзиб кетишди, дейилади newsru. com хабарида.



Жорий йилнинг биринчи чорагида Россияда 15199 дона янги Daewoo автомобили сотилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,5 баробар кўпдир. Шу билан бирга, ўзбекистонлик ишлаб чиқарувчилар автомобиллар учун эҳтиёт қисмлар етказиб бериш масаласини ҳам ҳал этишди.

Автомобиллар сотишга ихтисослашган «Рольф» гуруҳи вакили В.Тараканов Nexia автомобиллари мустаҳкам ва ишончли эканлигини қайд этди.

Шундай қилиб, Россия автомобиль бозорида ўтган йили етакчилик қилган Hyundai компанияси Daewooга биринчи ўринни бўшатди.

Япониянинг Toyota компанияси расмий каналлар бўйича 11220 та автомобиль сотиб учинчи ўринни ишғол қилди. Кейинги ўринларни Mitsubishi ва Ford компанияларининг машиналари эгаллашди.

**С. ДОНИЁРОВ тайёрлади.**

## Бюджет тақчиллиги таъсир қилади

***Жаҳон банкининг дунё иқтисодиёти бўйича тайёрлаган йиллик ҳисоботида айтилишича, ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари охирги ўттиз йиллик тарихда энг юқори кўрсаткичга эришган. Ўтган йили Хитойда ўсиш суръатлари рекорд даражага етди, яъни 9,5 фоиз ўсишга эришилди. Россия ва Ҳиндистон энг ривожланаётган мамлакатлар дея тан олинди. Мазкур мамлакатларда ялпи ички маҳсулот ҳажми 7 фоизга ошди.***

***Бироқ, Жаҳон банки мутахассисларининг ташвиш билдиришича, АҚШда бюджет тақчиллигининг ошиб бориши ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Сабаби ушбу мамлакатларда валюта захираси охирги йилда 378 миллиард долларга етган. Мабодо, доллар инфляцияга учрайдиган бўлса, ўз-ўзидан ушбу давлатларга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди.***



*Сингапур. Сайёҳлар юрти.*

## Суматра оролида яна зилзила

***«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, Индонезияда яна ер силкинди. Гонконг сейсмологларининг таъкидлашича, мазкур офат Рихтер шкаласи бўйича 5,6 баллни ташкил этган. Зилзила маркази Суматра оролининг ғарбий қирғоғида жойлашганлиги аниқланди.***

***Ҳозирча жабр кўрганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида хабарлар йўқ.***

## Коррупцияга қарши ўт очилди

***Украина президенти Виктор Ющенко маъмурияти мамлакатда юқори мартабали раҳбарлар ўртасида коррупцияга қарши кураш бошлади. Тахмин қилинишича, мазкур тадбир кенг кўламли қамоққа олишлар кампаниясига айланиб кетиши мумкин.***



***Айни пайтда Донецк вилоят кенгаши раҳбари Борис Колесников қамоққа олинди. Эслатиб ўтамиз, Борис Колесников ўтган йили ноябрь ойида мамлакат президентлигига бўлиб ўтган сайловларда Ющенко ғалаба қозонган тақдирда, мамлакатнинг жануби-шарқий ҳудудида янги давлат тузиш ташаббуси билан чиққанди. Бундан икки ой олдин мамлакат бош прокуратураси вилоят кенгаши раҳбарини давлат яхлитлигига дахл қилишда айблаб, унга нисбатан жиноий иш очганди.***

## Вакцина яратилмоқда

***Фармацевтлар яқин икки йил давомида саратон касаллигининг кенг тарқалган турига қарши қўлланиладиган вакциналар жаҳон дори-дармон бозорига чиқарилиши ҳақида ваъда беришмоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу касаллик йилига миллионлаб кишининг ҳаётига зомин бўлаяпти.***

***Вакциналар яратиш устида Американинг Merck & Co Inc компанияси иш олиб бормоқда. Дастлабки клиник тадқиқотларда иштирок этган олимларнинг таъкидлашича, вакцина яратиш жараёни муваффақиятли ўтмоқда. Мазкур вакцина 90 фоиз ҳолларда касалликнинг олдини олади. Мабодо ушбу дастур муваффақият билан якунланса, янги дори саратон касаллигига қарши ишлаб чиқарилган биринчи вакцина бўлади.***

## Бозорда портлаш

***Қоҳира шаҳридаги бозорларнинг бирида портлаш рўй берди. Маҳаллий полиция вакилларининг сўзларига қараганда, мазкур хунрезлик оқибатида икки киши ҳалок бўлган, 18 киши жароҳатланган. Қурбон бўлганлардан бири француз миллатига мансублиги аниқланди. Манбаларда айтилишича, ушбу бозор доимо хорижий сайёҳлар билан гавжум бўлади.***

## Жиноят йўли тўсилди

***Голландия полицияси одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳни қўлга олди. Бу гуруҳ бир неча йилдан буён мамлакатга ноқонуний ҳолда Хитойдан арзон ишчи кучи келтириш билан шуғулланган. Улар ҳатто ёш болаларни ҳам олиб келиб сотган.***

***Полиция ўтказган амалиёт чоғида 18 нафар шахс қўлга олинди. Маҳаллий полиция маҳкамаси қўлга киритган маълумотларга қараганда, мазкур жиноий гуруҳ ҳар бир муҳожирни 19 минг долларгача пуллаган.***

## Янги тизим зарур

***БМТ Бош котиби Кофи Аннан халқаро ҳамжамият комиссиясининг Женевада бўлиб ўтган йиғилишида сўзга чиқиб, инсон ҳуқуқлари масаласини тўғри ҳал эта оладиган янги тизим ташкил этиш зарурлигини билдирди. Бош котибнинг сўзларига қараганда, БМТ Дарфур ва Руандада рўй бераётган ижтимоий инқирозга етарлича таъсир ўтказа олмаяпти, у ерда минг-минглаб инсонлар ҳуқуқлари поймол бўлмоқда.***

***Маълумот ўрнида шу нарсани айтиб ўтиш жоизки, айни пайтда БМТ инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясининг 53 мамлакатда ваколатхоналари мавжуд.***

## Ҳаририйнинг қотили ким?

***БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливаннинг собиқ бош вазири Рафиқ Ҳаририйнинг ўлими халқаро экспертлар томонидан батафсил ўрганиб чиқилиши лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Маҳаллий текширувлар натижалари матбуотда эълон қилингандан сўнг Хавфсизлик Кенгаши шундай қарорга келди.***



***Эндиликда БМТ Бош котиби томонидан тузиладиган махсус комиссия суиқасд билан боғлиқ барча ҳужжатларни синчковлик билан кўздан кечиради ва ҳисобот тайёрлайди. Уларга уч ой муҳлат берилади. Комиссия шу вақт ичида Рафиқ Ҳаририйни ким ўлдирганлигини аниқлаши лозим. Халқаро ҳамжамиятнинг ушбу ташаббуси АҚШ, Франция ва Буюк Британия томонидан қўллаб-қувватланди.***

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

